

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари диққатига!

Кашқадарьё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ, жамиятнинг шу манзилда жойлашган мажлислар залида 2021 йил 28 май куни соат 10-00 да жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 24 май ҳолати билан тузилган.

Кун тартиби:

1) “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг санақ комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.

2) “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига танлов ўтказиши бўйича Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши.

3) Жамият бошқаруви раисининг истиқболли ривожланиши бўйича ўринбосари лавозими қисқартирилиши муносабати билан жамият Уставига ўзгартиришлар киритиши.

4) Жамият бошқаруви раисининг истиқболли ривожланиши бўйича ўринбосари лавозими қисқартирилиши муносабати билан жамият бошқарув органи тўғрисида Низомга ўзгартиришлар киритиши.

5) Жамият бошқаруви раисининг истиқболли ривожланиши бўйича ўринбосари лавозими қисқартирилиши муносабати билан жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиши.

6) Жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиши.

7) Жамият акциядорларининг 2020 йил 30 сентябрдаги йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиши юзасидан 14-масала бўйича қабул қилинган қарорини бекор қилиши.

8) “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти таркибидаги “КИП монтажсервис”, “Нефтегазускунамонтаж” ва “Трубодеталь” унитар корхоналари ҳамда “Нефтегазсаноатарматураси”, “Муборакнефтегазмонтажмахсусқурилиши” масъулияти чекланган жамиятлари “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятига қўшиб олишни мақсадга мувофиқлигини қайта кўриб чиқиши.

9) Жамият акциядорларининг 2020 йил 30 сентябрдаги йиғилишида соф фойда тақсими юзасидан 8-масала бўйича қабул қилинган қарорига ўзгартириш киритиши.

10) 2021 йил якуни билан миллий аудит стандартларидан ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик тегишируви ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг йил якунлари билан бажариши ҳисобининг аудиторлик тегишируви ўтказилиши учун аудиторлик ташкилотини, шунингдек унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш..

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик вақтида қўйидаги ахборотлар билан танишишингиз мумкин:

- жамият Уставига киритиладиган ўзгартиришлар;
- жамиятнинг бошқарув органи тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартиришлар;
- жамият ташкилий тузилмасига киритиладиган ўзгартиришлар;
- жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартиришлар;
- жамиятнинг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ маълумотлар;
- Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг жавоб хати (12.11.2020й. №05/1283);

- жамият акциядорларининг 2020 йил 30 сентябрдаги йиғилишида соф фойда тақсимооти юзасидан 8-масала бўйича қабул қилинган қарорига киритиладиган ўзгартиришлар матни;

- эълон қилинган танлов бўйича тижорат таклифини тақдим этган аудиторлик корхоналарининг ҳужжатлари.

Шу билан бирга жамият акциядорларида, овоз бериш натижасида жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган 7- масала кун тартибига киритилганлигини ва шу ҳолат инobatга олинган ҳолда акциялар баҳоси 584 612 сумга баҳоланганини маълум қилади. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талаби акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва унинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган ҳолда жамиятга юборилиши керак. Акциядорнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаби акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак.

Е-mail: mngm07@mail.ru, тел.: (+998-98) 274-21-16, (+998-98) 274-21-36. (+998-97) 300-87-14.

Йиғилишга қатнашувчиларни рўйхатга олиш 28.05.2021 й. соат 09.00 дан соат 10.00 гача давом этади.

Акционерлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ кузатув кенгаши.